

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Брайан Трейси номи Америкада жуда машҳур. Бу одам профессионал маърузачи, нотиқ, педагог ва маслаҳатчи. Брайан Трейси Калифорниянинг Сола-на-Бич ҳудудида жойлашган «Brian Tracy International» ва бошқа фирмаларга раҳбарлик қилган. 2010 йилда ишбилармонлик, бизнесмен ва мененжерлар учун онлайн-курсларини — “Брайан Трейси университети”ни ташкил этди. У ўз кучи ва меҳнати билан миллионерлик даражасига етган шахслардан биридир. Бу даражага етишиш учун Брайан Трейси машаққатли ҳаёт йулини босиб утди. Болалигида ҳатто мактабни охиригача тугатолмай, шаҳодатномасини олмай ўқув муассасасини тарк этган эди. Кейин кўп йиллар давомида норасмий ишларда ишлади: ошхоналарда идиш ювди, ўрмон ва қурилиш материаллари омборхонасида юк ташувчи, қудуқ ковлоччи, фабрикаларда қора ишчи бўлиб ишлади. Брайан йигирма беш ёшга етганидагина расмий хизматчи сифатида савдо агенти вазифасида ўз фаолиятини бошлади. Айна шу дамдан бошлаб шахсий ҳаётида муваффақиятларга эриша бошлади.

У тинимсиз ўқиб-ўрганиш ва ҳаётга янгидан-янги гояларни татбиқ этиш натижасида йилдан йилга хизмат пиллапояларидан кўтарилиб борди ҳамда 265 миллион долларлик сармояси мавжуд бўлган қурилиш компаниясининг бош директори даражасига эришди.

Брайан ўттиз ёшида Альберт вилоятида жойлашган Канада университетига ўқишга кирди, иқтисод ва

бишес соҳалари бўйича илмий даражани қўлга киритди. У бу йиллар мобайнида 22 та турли компания насаптил саноат соҳаларида ишлаб улгурди. 1981 йилдан «Титборан Трейси бутун Америка бўйлаб маъруза, суҳбат, семинарлар уюштирди ва ўз муваффақияти сириларини сўзлаб бера бошлади.

Бугунда унинг китоблари, компакт диск ва аудио-кассеталарга ёзилган ўқув дастурлари, шунингдек, видеокассеталардаги семинарлари 20 дан зиёд хорижий тилларга таржима қилинган.

Брайан Трейси ўзини «эклeктик (эклeктизм — турли қарашларни, назарияларни бир-бирига ўзбошимчалик билан қориштириб юбориш) ўқувчи» деб ҳисоблайди. У ўзига илмий тадқиқотчи эмас, балки маълумотлар таҳлилчиси сифатида баҳо беради. Трейси ҳар йили юз соатлаб вақтини турли матбуот нашрлари ва бошқа материалларни ўқишга сарфлайди. Бундан ташқари, у ўқув аудиодастурларини тинглайди, сон-саноқсиз семинарларда иштирок этади, ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда кўп сонли видеоёзувларни томоша қилади. Шунингдек, Брайн билимлар захирасини радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари маълумотлари билан бойитиб боради ҳамда ўз муваффақиятининг сирини ана шу тинимсиз изланишларида деб билади.

Брайн Трейси чўнтагида бир мири йўқ айрим одамлар астойдил ҳаракат қилишса миллионер бўлиши мумкинлигини билишини жудаям истарди. Бу савол уни жавоб топишга ундади ва «Миллионер бўлишнинг 21 сирини» китобининг яратилишига сабаб бўлди.

Ушбу китобда миллионер бўлишнинг ҳар бир сирини муваффақиятга эришиш усули билан тенглаштиради ва «Муваффақиятга эришишнинг сирини» деб бўлимларга ажратади.

## ЧЎНТАГИДА БИР МИРИ ЙЎҚ ОДАМ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИ МУМКИН?

Миллионер бўлиш йўлларининг моҳиятини аниқлаш учун қуйидагиларни тушуниб олиш керак:

Миллионер ким ва унинг миллионер деб аталиши учун нималар асос бўлади? Унинг кимлигини ва ўзимиз интилаётган чўққининг пировард нуқтасини аниқлаб олганимиздан кейин, бизнинг мақсадимиз нолдан, яъни ҳеч вақоси йўқ одам ҳолатидан қандай қилиб бўлса ҳам миллионерга айланиш бўлиб қолади ва биз унга эришамиз. Зеро, қаердан келаётганимизни ва қаерга етиб боришни исташимизни билмай туриб, ўзимиз белгилаб олган нуқтага етишимиз мумкин эмас.

Ҳозирча эса бизнинг билганимиз шуки, миллионер — сармойеси 1 миллион АҚШ доллари (евро, фунт стерлинг ёки шуларга ўхшаш исталган бир бошқа валютаси)дан ортиқ бўлган одамдир.

**Мақсадимиз:** *маблағи ноль бўлган ҳолатдан қандай қилиб бўлса ҳам миллионерга айланиш.*

Ҳамёнда арзимас пул бўлган ҳолатда қаердан келаётганимизни ҳам яхши биламиз. Жуда яхши! Координаталар тизими берилди. Биз уз мақсадимиз сари ҳаракатни бошлашимиз мумкин!

Кўпчилик мамлакатларда шоҳнинг мақоми ва салоҳияти, обрў-эътибори миллионлаб миқдордаги сармойеси билан бевосита боғланади. Шунинг учун кўпчилик одамлар бу миқдордаги бойликка эришишни ўз ҳаётларининг мақсади қилиб белгилашади.

Миллионерлик мақоми бизнинг давримизга келиб, қачонлардир бўлганидек, истисно ҳолат эмас, айни кунларда кишининг энг баланда даражадаги шахсий бойлик соҳиби эканлигини бидирувчи мультимиллионер ва миллиардер атамалари муомалага киритилди.

Миллионерлар сонининг ҳозирги даврда ўсганлиги эса, асосан, пулнинг қадрсизланиши билан изоҳланади. Чунки айни кунларда кўпчилик валюталарнинг харид қуввати, масалан, XIX асрдагига қараганда сезиларли даражада паст. Шундай қилиб, ўз мақсадинг сарингил, ноль ҳолатдан миллионер бўлишга ҳаракат қил! Шунингдек, маблағни бир марта миллиондан ошириб олгандан сўнг бадавлатлик чўққисида умрбод беғамгина яшайвераман, деган хаёлларни ҳам унут!

Бундай йўлни ҳозирги давлатманд одамларнинг аксарияти босиб ўтган. Масалан, шўролар даврида Роман Абрамовичнинг оддийгина касб-ҳунар билим юрти ўқувчиси бўлганлигини ҳамма билади. Қитъамиздаги бошқа энг бой одамларнинг рўйхатини олиб кўрадиган бўлсак, уларнинг сони ҳам, сармоясининг миқдори ҳам доимо ўзгаришда. «Форбес» (The World's Richest People 2009) журналида 2008 йилнинг натижалари бўйича, сармояси миқдори бир миллиарддан кўп бўлган одамларнинг рўйхати 1125 кишидан 793 кишигача қисқарган. Янги рўйхатдагиларнинг 38 таси номлари илк маротаба энг бойлар сафига киритилган одамлардир. Рўйхатдагиларнинг ўртача бойлиги 3 миллиард долларни ташкил этади. Бир йил ичида миллиардерларнинг умумий бойлиги 23 фоизга камайди. Уларнинг кўпчилиги ўз сармояларини камайтирдилар. Шу билан бир вақтда, бу энг бой сармоядорларнинг 44 нафари янада кўпроқ бойишнинг уддасидан чиқа олдилар. Масалан, математик Жеймс Саймонс бир йил ичида ўз сармоясини 80 фоизга кўпайтиришга эришди.

Билл Гейтс 18 миллиард доллар йўқотди. Лекин жаҳондаги энг бой одам унвонини қайтадан қўлга киритди. Ўтган йилги рўйхатда 1-рақам остида қайд этилган Уоррин Боффе 25 миллиард долларни бой берди. Мексикалик телекоммуникация титани Карлос

Слим Элу биринчи учликда ўз ўрнини сақлаб турса-да, 25 миллиард доллар сармоясидан айрилди.

## **МИЛЛИОНЕРЛАРНИНГ ЯНА БИР СИРИ: БУЮК НАРСАЛАР ҲАҚИДА ОРЗУ ҚИЛИНГ**

Ўзингизга орзу қилишга, хаёлларингизда хоҳлаганингиздек яшашга рухсат беринг. Орзуларингиз имкон қадар аниқ ва тиниқ бўлсин! Қанча пул ишлаб топишни ва банкдаги ҳисоб рақамингизда қанча маблагингиз бўлишини исташингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

Шуни ёдда тутингки, буюк шахсларнинг ҳаммаси ўз ўсишлари, амал пиллапояларидан кутарилишларини қандайдир улкан, ҳозир ўзларида бор бўлганидан мутлақо фарқланадиган нарсалар ҳақида орзу қилишдан бошлашган. Агар сиз орзуларингизнинг ушалишини истасангиз, улар ҳақида орзу қилишдан тўхтаманг. Катта кеманинг сузиш кўлами ва доираси, ҳудуди ҳам катта бўлади.

Биз ким бўлишни хоҳласак, айнан ана шундай киши бўлиб етишамиз. Тасаввур қилингки, сизнинг ким бўлиб етишингиз, ҳаётда нималаргадир эга бўлишингиз ва нималар биландир шугулланишингиз учун ҳеч қандай тўсиқ, чеклов ва қўрқув йўқ. Қисқагина бир сонияга ўз олдингизга қўйган мақсадларингизга эришиш учун ҳамма нарсага, барча имкониятлар: пул, вақт, алоқалар, соғлиқ, куч ва бошқа нарсаларга эга эканлигингизни, ҳеч ким йўлингизга тўғоноқ бўлмаслигини тасаввур қилиб кўринг.

Мулоқот тарзида «келажакка парвоз қилиш»ни машқ қилинг. Хаёлингизда ҳозирги даврдан 5 йил олдинга, келажакка тушиб қолинг. 5 йил ўтгани ва энди

сизнинг ҳаётингиз ҳамма томондан олганда бекаму куст, идеал эканлигини, бу ҳаётнинг қандай намоён бўлаётгани, ўзингизнинг нималар билан машғул эканлигингиз, қаерда ишлаётганлигингиз, қанча пул ишлаб топаётганингиз, ким билан яшаётганингиз, вақтни қандай ўтказаяётганингиз, нима қилишни яхши кўришингиз ва нималар қилаётганингизни тасаввур қилиб кўринг.

Ўз орзуингизнинг расми(тасвири)ни альбом шаклида, қутичада, деворда яратинг. Унда орзуингизнинг туплами(коллажи)ни — ўз ҳаётингизда нималарга эришишни хоҳлашингизни акс эттиринг.

Буюк нарсалар ҳақида ўйлар ва орзу қилар экансиз, сиз молиявий эркинликка ва миллионер бўлишга тобора яқинлашиб борасиз. Ҳақиқий миллионернинг ҳаёти ана шундай бошланади.

Сиз ўзингизни нимагадир эриша олмаслигингизга ишонтириб қўйманг. Шуни 100 фоиз билиб олингки, ҳар қандай орзуга, у қандай бўлишидан қатъи назар, эришса бўлади. Шунинг учун биринчи қадамни дадил босаверинг. Зеро, минг чақиримни босиб ўтиш ҳам дастлабки қадамни қўйишдан бошланади.

Биз диққатни жамлаш мақсадидаги намуна сифатида ўз пулларини ўзлари ишлаб топган одамларни танлаймиз. Чунки улар ўзларида, феъл-атворида кўзатиш ва таққослаш учун имкон берадиган алоҳида сифатлар ҳамда хусусиятларни акс эттирадилар. Уларнинг ҳаммаси ишни нолдан бошлаб, бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни аниқ усул ва воситалар билан босқичма-босқич, қадамма-қадам бажариб бориш натижасида бир миллион долларли сеҳрли чўққини забт этишга эришганлар.

Бу жараёнда биз қуйидагиларни билиб оламиз: ҳаётда муваффақиятга эришиш учун сиз алоҳида хусусиятларга эга бўлган одамга айланишингиз керак. Кўпчиликдан устун туришингиз учун ўзингизда ўртача

одамларда йўқ бўлган хусусият ва кўникмаларни ривожлантиришингиз керак бўлади.

Катта молиявий муваффақиятларга эришиш учун энг муҳим омил — пул ва бошлангич капитал эмас. Муҳими, шундай катта миқдордаги пулни ишлаб топиш ва сўнгра шу даражада муқим бўлиб қолиш учун қандай шахсга айланишингиз кераклигидир.

Бу ерда баён қилинган «муваффақиятлар сирини» сиз ўз ҳаракатларингиз давомида яна бир талай пул ишлаб олишингиз ёки уни уддалай олмаслигингиздан қатъи назар, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳақиқий ва улкан зафарларга эришиш учун омилдир. Бу тамойиллар шу даражада қудратлики, сиз уларни ўзингиз учун муҳим бўлган ва кўнглингиз истаган ҳар қандай мақсадга эришиш учун қўллашингиз мумкин.

Китобда келтирилган усул ва услубларнинг кўпчилиги сизга таниш туюлиши мумкин. Бу шунинг натижасики, одамлар юз йиллар давомида уларни кашф этишган, қайта ихтиро қилишган ва яна янгидан очишган. Мен кўпинча ўзимга муваффақиятнинг табиатини ўрганувчи, яъни мутлақо янги концепцияларнинг яратувчиси ёки бунёдқори эмас, балки китобхон, буюк ғояларнинг тадқиқотчиси ва улар ҳақида билимларни тарғиб қилувчи ўқитувчи одам сифатида қарайман. Мен Екклесиатнинг «Қуёш остидаги ҳудудларда янги бир нарсанинг ўзи йўқ»лиги ҳақида айтган гапларига ишонаман.

Модомики, бу китобни ўқийётган экансиз, мен сизнинг ҳаётда ўз олдингизга қўйган улуг мақсадларингиздан бири — ўзингизнинг ҳақиқий имкониятингизнинг борган сари катта қисмини ишга солиб, буюк инсон бўлиш эканини тушунаман. Муваффақиятга эришишнинг бу ерда баён қилинган ҳар бир сирини сиз эришишингиз мумкин бўлган ажойиб ҳаёт томон тезроқ олға силжишингизга ёрдам беради. Саёҳатингиз кўнгилли ўтишини тилаймиз!

## САБАБ ВА ОҚИБАТ ҚОНУНИ

Сиз ўрганмоқчи бўлган материал ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Бу гоаялар, кашфиётлар, стратегиялар миллионлаб кишилар, яъни эркак ва аёллар, ёшлар ва қариялар, бойлар ва камбағаллар учун молиявий муваффақиятга эришиш калити бўлиб хизмат қилган. Бу тамойиллар содда, самарадор ва уларни амалда қўллаш қийинчилик туғдирмайди. Улар текширилган ва минг бора исботланган. Агар сиз уларни шунчаки ўрганиб қолмай, бу тамойиллардан амалиётда фойдалансангиз ва ўз ҳаётингизга татбиқ этсангиз, улар сизга ҳам муваффақият билан хизмат қилади.

Биз инсоният тарихидаги энг буюк даврда яшаймиз. Бугун тасаввур қилганимиздан ҳам кўпроқ замондошларимиз ишни нодан бошлаб, бой-бадавлат бўлмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб, биргина Американинг ўзида миллионерлар сони 7 миллион кишидан ошиб кетган. Уларнинг кўпчилиги пулларини ўзлари ишлаб топишган ва бундай бой-бадавлат кишилар сони ҳар йили 15–20 фоизга ошиб бормоқда. Уларнинг орасида шунчаки миллион эмас, балки ўнлаб, ҳатто юзлаб миллион долларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз ишлаб топган икки юздан ортиқ миллиардерлар ҳам бор. Бутун инсоният тарихида ҳеч қачон катта миқдордаги бойликларнинг бунчалик тез яратилиши кузатилмаган эди.

Қуйида эса маълумотларнинг энг қизиқарлиси. Бу рўйхатдан жой олган ва моддий жиҳатдан фаровон яшаётган одамларнинг 90 фоизи бойлик йиғишни бўш ёки ярим бўш чўнтак билан бошлаганлар. Ўз пулини ўзи ишлаб топган ҳар бир миллионер, ўртача олганда, 3,2 марта буткул ёки деярли «синган». Бадавлат одамларнинг кўпчилиги молиявий муваффақиятга эриштирадиган имкониятни қўлга киритгунарига қадар тез-тез муваффақиятсизликка учраганлар. Бу

ишни алақачон уддалаб, бой бўлиб кетган юз минглаб, миллионлаб одамлар сингари сиз ҳам бемалол бунинг уддасидан чиқасиз.

Инсон тақдирининг темир қонуни бу сабаб ва оқибат қонунидир. У жуда оддий ва айна бир вақтнинг ўзида жуда қудратлидир. Унга кўра ҳар бир маълум оқибатнинг аниқ сабаби мавжуд. Ҳар бир ҳаракат учун ҳаракатдан кейинги ҳолат бор. Бу қонунга биноан муваффақият тасодифнинг натижаси эмас, балки молиявий зафар — сизнинг мутлақо аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни қадамма-қадам бажарганингиз ва уларни шундай катта ишонч билан истаган молиявий мустақилликка эришишингизга қа- дар такрорлашингиз оқибатидир.

Табиат ўз ҳолича олинганида нейтрал, бетарафдир. Бизни ўраб турган табиий олам учун, кишилар жамияти учун сизнинг ким ва қандай инсон эканлигингизнинг фарқи йўқ. Сабаб ва оқибат қонуни эса қуйидаги- ларни тасдиқлайди: агар сиз муваффақиятга эришган одамлар қилган ишни бажариб, уларнинг йўлидан борсангиз, пировардида бу бой-бадавлат кишилар эришган натижаларни сиз ҳам қўлга киритасиз. Агар уларнинг ҳаётий тажрибасидан ўрнак олмасангиз, ҳеч қандай яхши натижага эришмайсиз. Фақат бир нарсани доимо ёдингизда тутинг, бошқалар сиздан кўра яхшироқ ҳам, ақллироқ ҳам эмас. Сиз ўзингизни жуда арзон баҳоламаяпсизми? Нима учун сизга зафар умуман ёр бўлмаяпти? Хусусан, молиявий муваффақиятга эриша олмаётганлигингизнинг муҳим ва бош сабабларидан бири — сиздан кўра яхшироқ ҳаракат қилаётган кишиларнинг, сиздан яхшироқ эканлигига ишониб қолгансиз. Бу эса оддийгина ёлгон, ўз-ўзини алдаш, юпатишдан бошқа нарса эмас. Гап шундаки, пулларини ўзлари ишлаб топган миллионерларнинг кўпчилиги етарли даражада ўрта маълумотга эга бўлган оддийгина одамлар. Улар

Ўртача лавозимларда ишлашган, ўртаҳол одамлар билан қўшничиликда, ўртача уйларда яшаб, ўртамиёна автомобилларни ҳайдаб юришган. Лекин улар бойбадавлат одамлар қандай ҳаракат қилишларини англай билганлар. Ўзлари ҳам худди шундай ҳаракатларни босқичма-босқич, қадам-бақадам, айнан улардай ажойиб натижаларга эришгунларига қадар амалга оширганлар. Бунда ҳеч қандай муъжиза ва ҳеч қандай тасодиф йўқ. Қачонки, сиз ҳам пулларини ўзлари ишлаб топган миллионерларга ўхшаб уйлаб ҳаракат қила бошласангиз, шундагина шу одамларникидек натижаларни қўлга кирита бошлайсиз. Бу ерда сабаб ва оқибат қонунининг энг оддий тарзда намоён бўлишини кўрасиз, холос.

Қуйида ўз маблағларини ўзлари ишлаб топган миллионерлар каби муваффақиятга эришишнинг кўриб чиқилган йигирма бир сири келтирилади. Уларнинг ҳар бирини билиш ва унга риоя этиш сизнинг ҳам моддий ва молиявий жиҳатдан мустақил одамга айланишингиз учун зарурдир. Бу тамойилларнинг исталган биттасини қўллашдаги ноқобилик ёки бундай қилишни истамаслик сизнинг соғлиқ, бойлик, бахт ва тўлиқ гуллаб-яшнашга эришишга бўлган ҳамма имкониятларингизга ўз-ўзидан, ҳеч қандай бошқа омилларсиз путур етказиши ёки уларни бутунлай йўққа чиқариши мумкин.

Бу тамойилларнинг ҳар бирини сиз учун табиий одатга айлангунига қадар кўплаб марта такрорлаш билан ўзлаштирасиз. Маблағларини ўзлари ишлаб топадиган миллионерларнинг муваффақиятлари сирини сиз худди велосипед ёки машина ҳайдашни ўргангандек ўрганишингиз ва уларни ўз ҳаётингизда қўллашингиз мумкин. Бунда сиз ўз фикрлаш доирангиздан келиб чиқиб, ўзингизга ўзингиз қўядиган чекловлардан бошқа ҳеч қандай тақиқ ва тўсиқ йўқ. Энди эса йўлга чиқамиз.

**МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ  
БИРИНЧИ СИРИ:  
БУЮК НАРСАЛАР ҲАҚИДА ОРЗУ ҚИЛИНГ**

*Буюк нарсалар ҳақида орзу қилинг, фақат буюк орзуларгина одамларнинг қалбига етиб бориши мумкин.*

**Марк АВРЕЛИЙ**

Пулларини ўзлари ишлаб топган миллионерларнинг биринчи сирини — улар буюк нарсалар ҳақида орзу қилишган. Орзу қилишдан ўзингизни тийманг, келажакда яшамоқчи бўлган ҳаётингизни фараз қилинг ва турли хил хаёлий ҳавасларни ўйлаб топинг. Қанча пул ишлаб топишни ва банкдаги ҳисоб рақамингизда қанча маблағингиз бўлишини исташингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

Буюк эркак ва аёлларнинг ҳаммаси ишни ўзларида йўқ бўлган ажойиб бирор нарса ҳақида орзу қилишдан бошлашган. Америкадаги машҳур қўшиқлардан бирида «Агарда ниятларинг рўёбга чиқишини истасанг, сен буюк орзуга эга бўлишинг керак» дейилади. Бу сўзлар фақат шу қўшиқнинг лирик қаҳрамонигагина эмас, балки сизга қарата ҳам айтилган.

Сизнинг ким бўлишингиз ва ҳаётда нима билан шугулланишингиз учун ҳеч қандай чеклов мавжуд эмаслигини тасаввур қилинг. Фақат қисқа бир сонияга шуни фараз қилингки, сизда мақсадингизга етишингиз учун зарур бўлган барча нарса: вақт, пул, маълумот, тажриба, дўстлар, турли алоқалар, ҳамма воситалар ва бошқа имкониятлар бор. Агар сизнинг имкониятингиз мутлақо чекланмаган бўлса, ўзингиз ва оилангиз учун қай тарздаги ҳаётни яратишни истар эдингиз?

Энди эса «Келажакка саёҳат» усулида фикрлаган ҳолда амалиёт ўтказиб, тажриба орттиринг. Бу юксак натижаларга эришаётган кишилар томонидан

мунтазам равишда фойдаланиб келинаётган жуда самарали усулдир. Бундай фикрлар сизнинг онгингизга ва феъл-атворингизга қаттиқ таъсир кўрсатиш билан бирга, дунёқарашингиз ва хулқингизни ҳам ижобий томонга ўзгартиради. Бу усул қуйидагича:

Хаёлан бундан беш йил олдинги даврга тушиб қолинг. Беш йил ўтган, ҳаётингиз энди ҳамма йўналишлар ва соҳаларда идеал равишда изга тушган деб тасаввур қилинг. Бу ҳаёт қандай кўриняпти? Сиз нима қилаяпсиз? Қаерда ишлаяпсиз? Қанча пул топяпсиз? Банкдаги ҳисоб рақамингизда қанча пулингиз бор? Қандай турмуш тарзини олиб бораяпсиз?

Кўз олдингизга келажақда етишишни орзу қилганингиздек ҳаёт манзарасини келтиринг. Сизнинг ўша вақтдаги соғлигингиз, бахтингиз ва гуллаб-яшнашингиз хаёлан қанчалик аниқ ва тиниқ гавдаланса, сиз буларнинг ҳаммаси томон шунчалик тез ҳаракатланасиз. Тасаввурингиздаги келажақ ҳам сиз томонга шундай тезликда яқинлашиб кела бошлайди.

Нимага интилаётганингизнинг хаёлий суратини чи-зиб олганингиздан сўнг, феъл-атворингиз бир мунча яхшиланади. Ижобий фазилатларингиз ошади, ҳаракатларингиз анча асосли бўлиб қолади ва сиз фикру режаларингизни ҳаётга татбиқ этишга илгаридадан-да қатъийлик билан киришасиз. Бир ҳаракат билан ўзингизнинг табиий, ижодий имкониятингизни намоён қиласиз ва хаёлларингиздаги ёрқин ҳаётга етишиш мақсадида буюк орзуларингизнинг рўёбга чиқишига ёрдам берувчи бир талай гоёларни ўйлаб топасиз.

Ҳар бир одамда уни етакчи ва устувор орзулари, тимсоллари, хаёлот дунёси йўналишида ҳаракат қилишга ундовчи тамойил бор. Ҳар гал буюк нарсалар ҳақида орзу қилар экансиз, сиз ўз баҳонгизни реал равишда оширасиз. Ўз шаъну шавкатингизни

мустаҳкамлайсиз ва ўзингизга кўпроқ ёқишингизга ҳамда ўзингизни кучлироқ ҳурмат қилишингизга ёрдам берасиз.

Бундай орзулар сизнинг ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларингизни яхшилайти ва ўзингизга бўлган ишонч даражасини оширади. Булар сиздаги ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг шахсий даражаси, шунингдек, ички қадр-қиммат ва бахтлилик ҳиссининг ўсишига олиб келади. Юксак орзулар, олий хаёлларда бизга илҳом берувчи ва ҳаракат қилишга ундовчи, илгаригидан ҳам яхшироқ бўлишга чорловчи қандайдир куч мавжуд. Бу ишларни амалга ошириш, мақсад сари интилишни бошлашдан аввал битта ниҳоятда муҳим саволга икки ёқлама талқин қилиб бўлмайдиган жавобни топишингиз, бунинг учун эса мазкур саволни ўзингизга такрор ва такрор беришингиз лозим. У қуйидаги мазмундадир:

«Агар мен муваффақиятсизликка учрамаслигимни аниқ билсам, орзу қилишга журъат эта оладиган ягона нарсам нима бўларди?»

Агарда сизга ҳаётингиздаги исталган битта мақсадингизга — каттами-кичикми, яқин ёки узоқ муддатда етиш мумкин бўлганига эришишингиз учун кафолат берилса, улардан қайсисини танлардингиз? Бордию ўзингизни муваффақият кутиб турганини аниқ билганингизда, сиз орзу қилган ўша ягона буюк мақсадингиз нимадан иборат бўлиши мумкин?

Сизнинг интилишингиз қандайлигидан қатъи назар, уни қоғозга ёзиб қўйинг ва бу буюк мақсадга ўзингизни алақачон эришган деб тасаввур қила бошланг. Энди орқангизга, сиз бутун мавжуд бўлган вақт ва ҳолатингизга назар ташланг. Боришни хоҳлаган жойингизга етиб олиш учун нима қилишингиз керак? Қандай қадам ташлашингиз, қандай чораларни қўллашингиз лозим? Ҳаётингизда нимани ўзгартиришингиз керак? Ишни нимадан бошлаш ва

нимадан воз кечишга тўғри келади? У ерда сиз ким билан ёнма-ён турар эдингиз? Кимлар сиз билан бирга бўлмас эди? Агар ҳаётингиз ҳар томонлама идеал шаклланса, у қандай кўринишда бўлади?

Айнан нимани ўзгартириш лозимлигидан қатъи назар, бугуннинг ўзиданоқ биринчи қадамни қўйинг.

Буюк нарсалар ҳақида орзу қилиш — сизнинг мақсадингиз, аниқроқ айтганда эса, молиявий муваффақликка эришишингизнинг бошланғич нуқтасидир. Кўплаб одамларнинг ҳеч қачон моддий муваффақиятга эришмасликларининг биринчи сабаби қуйида ўз аксини топади:

Бу ишни қилиш қўлларидан келиши ҳақидаги фикр ҳеч қачон уларнинг хаёлларига келмайди. Натижада, бундай шахслар бирор ишни қилиб кўришга ҳаракат ҳам қилмайдилар. Улар ушбу пойганинг стартига чиқишга интилмайдилар. Бундай тоифага мансуб шахслар ўзлари ишлаб топган пулларнинг ҳаммасини, ҳатто ундан ҳам кўпроғини сарфлаб юбориб, пул масалаларига оид муаммоларнинг атрофида айланишдан нарига ўтмайдилар. Сизда молиявий муваффақиятга оид буюк орзулар пайдо бўлар экан, ўзингиз ва ҳаётингизнинг бутун йўналиши яхши томонга ўзгармагунга қадар оз-оздан, аста-секин ҳаракат қилишни бошлайсиз.

Буюк нарса ҳақида орзу қилиш — молиявий муваффақиятга эришиш ва ўз кучи билан миллионерга айланиш учун дастлабки таянч нуқтадир.

### *АМАЛИЙ МАШҚ*

*Агар сизда тўлиқ муваффақият қозониш кафолаттан бўлса, қиладиган ёки амалга оширишга ҳаракат қилиб кўрадиган ҳамма ишларингизнинг рўйхатини тузиб чиқинг. Кейин эса аниқ битта ҳаракат буйича қарор қабул қилинг ва дарҳол уни бажаринг.*

**МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ  
ИККИНЧИ СИРИ:  
МАҚСАДГА ҚАРАБ ҲАРАКАТ  
ҚИЛАЁТГАНИНГИЗНИ АНИҚ ҲИС ЭТИШ  
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИНГ**

*Мақсади аниқ бўлган одам, ҳатто энг оғир йўл буйлаб ҳам ҳаракатлана олади. Ҳеч қандай мақсади йўқ одам энг текис йўлда ҳам олга юра олмайди.*

**Томас КОРЛЕЙЛЬ**

Мақсадларингизни парвоз қилиб юрган хаёлларингиз орасидан ажратиб олинг ва уларни қоғозда ёзилган аниқ, равшан мақсадлар шаклида ифодаланг. Балки инсоният тарихидаги энг буюк кашфиёт қуйидаги иборада мужассамлашгандир: «Сиз нима ҳақида энг кўп ўйласангиз, шу нарса, албатта, амалга ошади». Сизнинг ҳаётингизда айнан нима содир бўлишини аниқроқ белгилаб берувчи икки омил мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: сиз нима ҳақида кўп ўйлайсиз ва бу ҳақида қандай ўйлайсиз?

Доимий муваффақият қозонадиган одамлар ўз вақтларининг асосий қисмида режалаштирган мақсадлари ва уларга эришиш йўллари ҳақида ўйлайдилар. Бунинг натижасида, улар мақсадлари томон узлуксиз равишда яқинлашиб борадилар ва уларнинг мақсадлари ҳам бундай кишилар томон тўхтовсиз равишда ҳаракат қилишади. Қайси нарса-буюм ҳақида кўп ўйласангиз, унинг сизнинг ҳаётингиздаги роли, албатта, ўсади, йириклашади. Агар сиз ўз мақсадларингиз тўғрисида мунтазам ўйлаб юрсангиз, улар ҳақида гапирсангиз ва бу мақсадларингизнинг маълум бир шакллардаги тасаввурини, тасвирини яратсангиз, сизда ўртамиёна одамга қараганда кўпроқ, анча кўпроқ нарсага эришишингиз эҳтимоли ортиб боради.

Миллионер бўлиш учун фойдаланишингиз мумкин бўлган ва ўз олдингизга турли мақсадларни қуйишингиз